



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТУРК ҚАРДОШЛАРИМИЗГА ЯНА БИР БОР ҲАМДАРЛИК БИЛДИРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев
9 февраль кун Туркия
Республикасининг Ўзбекистондаги
элчихонасига борди.

Маълумки, 6 февраль кун Туркиянинг Жануби-Шарқий ҳудудларида юз берган кучли зилзилалар вайронкорлиги билан бутун дунёни ларзага солди. Ўзбек халқи ҳам офат оқибатларини қалбига яқин олиб, чуқур қайғу ва ҳамдардлик ҳиссини туйди.

Давлатимиз раҳбари ўша кунлик қардош Туркия халқига ва Президент Режеп Таййип Эрдоганга ҳамдардлик билдирган эди. Зилзила оқибатларини бартараф этишда кўмаклашиш учун мамлакатимиздан бир неча гуруҳ кутқарувчилар Туркияга юборилди. Шунингдек, гуманитар ёрдам юклари мунтазам жўнатиб турилибди.

Президентимиз бугун Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасига

бориб, қардошларимизга яна бир бор ҳамдардлик билдирди. Парвардигордан марҳумларни ўз раҳматига олишини, уларнинг оиласи ва яқинларига сабр-тоқат ва бардамлик беришини сўради. Жароҳат олган инсонлар тез фурсатларда соғайиб кетишини тилади.

Ўзбек ва турк халқлари яхшию ёмон кунларда ҳамisha бирга бўлган, бир-бирини қўллаб-қувватлаган. Бу дўстлик, қардошлик ва ўзаро елкадошлик ҳозиргидек оғир кунларда янада билинади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон барча зарур ёрдамга тайёрлигини билдирди. Элчихонада очилган ҳамдардлик китобига тасалли сўзларни ёзиб қолдирди.

Ў.А.

Матбуот анжумани

ДўСТ БОШИГА ТУШГАН КУЛФАТГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ

Туркиянинг Жануби-Шарқий музофотларида юзга келган кучли зилзила ўта бузғунчилиги билан дунё аҳлини ларзага солди. Айни чоғда Ўзбекистон раҳбарияти ва халқимиз ҳам офат оқибатларини қалбига яқин олиб, ҳамдардлик билдирмоқда.

Президентимиз топириғига кўра, зилзила оқибатларини бартараф этишда кўмаклашиш учун мамлакатимиздан бир неча гуруҳ кутқарувчилар Туркияга юборилди. Шу билан бирга, зарур инсонпарварлик кўмак юкларини жўнатишмоқда.

Кеча Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Олган Бекар ишторида ўтказилган матбуот анжуманида кўрсатилган кўмак учун ўз миннатдорлигини билдирди.

— Туркия Республикасининг бир неча ҳудудда содир бўлган кучли зилзила туфайли миллионлаб инсонлар ҳаловатини йўқотди. Турк халқи бошига тушган бу фалокат биродар ва қардош Ўзбекистон халқи ва ҳукумати ҳам бефарқ қолдирмади, — дейди элчи О. Бекар. — Дўст кулфатда синалади деганларидек дўстлик, қардошлик ва ўзаро елкадошликнинг аҳамияти ҳозиргидек оғир кунларда яқин билинади. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топириғига биноян талафот оқибатларини бартараф этишда ёрдам бериш мақсадида кутқарувчилар ва мута-

хассислардан иборат гуруҳлар жўнатилади, бу ушбу нахлнинг нақадар тўғрилигини намойиш этди.

Аваллига кидирув-қутқарув гуруҳи, 8 февраль кун эса Мудофаа вазирлигининг 71 нафар малакали ҳарбий хизматчиларидан иборат тиббий отряди Туркия Республикасига етиб борди. 24 соатлик иш режимида ишлаётган кутқарувчилар гуруҳи кулаган юклар, бинолар остида қолган одамларни олиб чиқишга ҳаракат қилмоқда, шифокорлар эса тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Уларнинг жонбозлиги гоёт эътиборга моликдир.

Айтиш кераки, зилзилдан жабр кўрганларга маҳаллий аҳоли томонидан етказиб берилаётган гуманитар инсонпарварлик ёрдам жамламаси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти технопаркида тўпланмоқда. Бу ишга Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва "Ёшлар — келажакимиз" жамғармаси бош-қош бўлмоқда. Улар келтирилаётган хар қандай қўриқилган ёрдам жамламаларини рўйхатга олиш, қабул қилиш ва самолётларга юклашда ёрдам кўрсатишмоқда.

«Халқ сўзи».

УЛУҒ АЛЛОМА СИЙМОСИ БАРҲАЁТ

Мамлакатимизда улуг шоир ва мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллиги кенг нишонланмоқда.

9 февраль кун мазкур сана муносабати билан пойтахтимиздаги Адиблар хиббонига эрта тондан вазирлик ва идоралар ходимлари, шоир-ёзувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба ёшлар, юртимизда фаолият олиб бораётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари жам бўлди.

Мир Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Эхтиром

Шундан сўнг сана муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисида маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда кейинги йилларда маънавият, маърифат, адабиёт ривожига берилаётган алоҳида эътибор боис Алишер Навоий ижодий мероси ва хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш янгилик мазмун-моҳият касб этаётгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кечаётган янгиликларда Алишер Навоий меросини тадқиқотчи олимлар томонидан ўрганиш, асарларини нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам тарғиб этиш, бу борадаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари тизимли равишда олиб борилмоқда. Мазкур йўналишдаги ижодий ўзгаришлар хориқ мамлакатларида ҳам шоир ижодига қизиқишни янада кучайтирмоқда.

— Халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий ҳамкорликнинг ривожланишида Алишер Навоий меросининг катта ўрни бор, — дейди Қирғиз Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муса Жамабаев. — Даҳо шоир асарларини қирғизлар ҳам севиб мутолаа қилади. Зеро, уларда илгари сурилган умминсоний гоёлар, эзулик ва коммунал мезонлари дунё халқлари учун ҳамма замон-



Юнус БУРИЕВ олган сурат.

ларда ҳам ибратли ҳаёт тузуғи бўла олади. Тадбирда Алишер Навоий ҳаёти, фаолияти ҳамда асарларини ўрганиш ва чоп этиш борасида амалга оширилаётган ишлар, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, яратилаётган бадий асарлар ҳақида маълумот берил-

ди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда нашр этилган ўттиз жиллик "Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги" тадқиқотлар мажмуаси бо-бокालонимиз меросини тадқиқ қилишдаги

истиқболли маърифий лойиҳа экани таъкидланди. Маърифий тадбирда Алишер Навоийнинг маънавий ҳаётимиз, адабиётимиз, миллий тилимиз раванқидоги юксак ўрни тараннум этилган шеърлар ўқилди.



АНДИЖОН: БАНДЛИК МАСАЛАСИДА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи, ислохотлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиши анъанага айланди. Эътиборлиси, ушбу ташрифлар давомида, энг аввало, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида яратилаётган шароитлар яқиндан ўрганилиб, фуқаролар билан маслаҳатлашган ҳолда галдаги вазифа ва режалар белгилаб олинмоқда.

Андижон вилояти халқ давлат раҳбарининг ташрифини катта иштиёқ билан кутади, десак, асло муволажа бўлмайдди. Негаки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи ҳар сафар ўзининг амалий ечимлари билан гоёт аҳамиятлидир.

Муносабат

Бўстон туманидан бошланган Президент Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига бу галги ташрифи ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Бу ерда яқинда "Сайёра фаввораси" масъулияти чекланган жамияти томонидан тўқимачилик корхонаси ишга туширилган эди. Умумий қиймати 113 миллиард сўмлик ушбу лойиҳа доирасида бино барпо этилиб, Туркиядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди. Эраклар, аёллар ва болалар учун 50 турдан ортиқ, йилгига 1 миллион



200 минг донга тайёр трикотаж махсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мингта яқин маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди. Корхонанинг "Elegance SM" бренди остидаги сифатли, бежирим махсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилган. Йиллик экспорт ҳажми 4 миллион доллар бўлиши мўлжалланган.

Очилини айтганда, бу корхонага тамал тоши қўйилаётганида унинг бугунгидек шиддатли фаолиятига кўпчилик ўнчалик ишонқирамаганди. Гувоҳи бўлиб тургани-



Мушоҳада

АСОСИЙ МАҚСАД — ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ

Айни кунларда бутун халқимиз 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳасида фаол иштирок этмоқда.

Гап шундаки, Президентимизнинг бу ҳақидаги Фармони ҳамда Давлат дастури лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳрамини порталда (<https://regulation.gov.uz/>) жойлаштирилиши натижасида юртдошларимиз 7 та устувор йўналиш, 100 та мақсад ва 309 та банддан иборат дастур лойиҳаси юзасидан ўз таклифларини билдириш имкониятига эга бўлди.

Едингида бўлса, давлатимиз раҳбари 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида 2023 йилга "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб ном беришни таклиф этган ва ушбу йилда амалга оширилиши лозим

бўлган вазифаларга алоҳида эътибор қаратган эди.

Албатта, бунда энг аввало, аҳолининг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, таълим сифатини илғор жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ҳамда камбағалликни қисқартириш асосий диққат-эътибордаги масалалардир.

Шундан келиб чиқиб, дастур лойиҳасида:

■ инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқаро давлат барпо этиш;

■ мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

■ миллий иқтисодий жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатини таъминлаш;

■ адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

■ маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқинга олиб чиқиш;

■ миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;

■ мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш йўналишларида йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилашмоқда.



КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ ИШЛАРИ ЯНГИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, ўзгариш ва янги лойиҳалар халқимизни рози қилиш, одамларнинг муаммоларини тинглаш ва уларга ўз вақтида ечим топиш, инсон қадрини улуглашга қаратилган.

Ортимизда биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор туфайли ўтган йилда 200 мингта яқин тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. 10 мингта корхонанинг фаолияти кенгайтирилган бўлса, 11 мингта корхонанинг қуввати тикланди.

Албатта, эришаётган барча ютуқларимиз, инсон қадри

улуг бўлган диёр — Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги дастлабки натижалар. Бу ютуқларда, албатта, парламентнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бомиси ҳозирги кунда парламент аъзолари қонун ижодкорлигини амалга ошириш билан бирга, ҳар ойда ҳудудларга чиқиб муайян масала ва муаммоларни ўрганишмоқда.



Давра суҳбати

АРХИВЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

"Ўзархив" агентлигида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси доирасида ўтган йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2023 йилга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури муҳомазасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси М. Қодирхонова ва сенатор Г. Маъруфова ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан иштирок этди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатлари ва ҳуқуқларини қонун билан муҳофаза қилиш, улар-

нинг давлат бошқаруви ва жамиятининг барча жаҳасида фаоллигини оширишга катта аҳамият қаратиб келинмоқда. Бунинг аввало, мазкур йўналишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.



Учрашув

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Покистон Миллий Ассамблеясининг ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳларининг онлайн учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, шу жумладан, парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш тўғрисида фикр алмашилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислам Республикаси ўртасидаги алоқалар кўпайиб йўналишлар қатори парламентаризм соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани қайд этилди. Парламентлараро алоқалар икки томонлама муносабатларнинг муҳим таркибий қисми эканлиги, мазкур учрашув эса ушбу йўналишдаги ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Покистон Миллий Ассамблеяси аъзолари кейинги йилларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий, демократик янгиликлар ва

парламентаризмни ривожлантириш соҳаларидаги ислохотларни, шунингдек, халқаро миқёсдаги ташаббусларни юқори баҳолади.

Онлайн учрашув давомида икки томонлама алоқаларни янада кенгайтириш, айниқса, Ўзбекистон ва Покистон парламентлари ўртасидаги алоқаларни янги босқинга олиб чиқиш ҳақида ҳам фикр юритилди.

Сийёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ҳақида сўз борад экан, 2022 йил Покистонда рўй берган сув тошқини оқибатида вуқудга келган зарарларни бартараф қилишда Ўзбекистон ҳукумати томонидан кўрсатилган гуманитар ёрдам алоҳида эътироф этилди.

Самимий ва конструктив руҳда ўтган мулоқотда ҳамкорликнинг бошқа йўналишлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

АСОСИЙ МАҚСАД — ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ

Хўш, ушбу вази-фалар нималардан иборат?

Авалло, халқимизнинг оғирини енгил қилиш, янада қўлайликлар яратиш ва ҳа-ражатларини яратиб мақса-дида, 2023 йил 1 июлдан бошлаб барча давлат орган-лари ва ташкилотларида аҳоли ва тадбиркорларга сер-вис сифатини ошириш чора-тадбирлари белгиланаётгани-ни алоҳида айтиш зарур. Давлат органлари ва таш-килотлари томонидан аъна-навий тарзда кўрсатиладиган қўшимча 200 та давлат хизматини давлат хизматла-ри марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматла-ри портали орқали кўрсатиш йўлга қўйилади. Шу тарзда электрон шаклда кўрсатила-диган давлат хизматлари 73 фоизга етказилади.



да юртимизнинг қўллаб-қувват-ларида, жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам ўндан ортиқ қўчаларда мазкур тартиб асо-сида транспорт воситаларининг энг юқори тезлиги 60 километрга пайсатирилган.

Лойиҳада аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини қондириш учун янги генерация қувватларини яратиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар вилоятимизга ҳам тегишли бўлиб, унга кўра, Самарқанд-да Бирлашган Араб Амирлик-ларининг "Masdar" компания-си билан ҳамкорликда умумий қуввати 440 МВтга тенг қўёш фотоэлектр станциясини қуриш кўзда тутилган. Қўёш ва шамол электр станциялари ҳисобидан қўшимча электр ишлаб чи-кариш орқали хонадонларга бе-риладиган электр энергиясини 50 фоизга кўпайтириш ре-жалаштирилмоқда. Шунингдек, "Total Energies" компаниялар гуруҳи билан ҳам муқобил энергия манбалари аине-тиция қилиниш бўйича музо-каралар олиб борилмоқда. Бу-лар ҳам, албатта, халқимиз турмуш даражасини ошириш-да муҳим аҳамиятга эга.

Қолаверса, лойиҳада жорий йилда юртимизда туризм хиз-матлари экспортини 2 милли-

ард долларга етказиш вази-фаси кўйилган. Бу борада ҳам айни пайтда мамлакатимизда, хусусан, вилоятимизда кенг қўламли ишлар олиб бори-лаётир. Давлатимиз раҳбарининг тевгишли қароридида "Са-марқанд — Янги Ўзбекистон-нинг туризм дарвозаси" тар-ғибот кампаниясини ўтказиш белгиланган. Шу мақсадда Самарқанд шаҳрида "Aviation & Logistics Forum" II халқаро авиация форуми ташкил эти-лади. Жорий йилда Самар-қанд жаҳон туризм ташкило-тининг навбатдаги йилгилиши-га ҳам мезбонлик қилади, ум-ман, бу ерда йил давомида йигирмадан ортиқ халқаро фо-рум ва анжуманлар ўтказила-ди. Янгидан бунёд этилаётган Имом Бухорий мажмуаси ҳам шу йилдан фойдаланишга топ-ширилиб, сайёҳларни қабул қила бошлагани манмуният билан таъкидламоқчимиз. Янги туризм кўчалари, туризм ки-шлоқлари барпо қилинади ва шунга мос равишда инфрату-зилма яратилади, хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади.

Булари билан Самар-қанднинг туристик салоҳияти-ни ошириш, қадимий кенга келадиган сайёҳлар оқимини кўпайтиришда, шаҳарни дунё танийдиган мегаполисга, халқаро туризм ва бизнес марказига айлантиришда айни мuddаоидир.

Шунингдек, лойиҳада Са-марқанд шаҳрини алоҳида ма-мурий-ҳудудий бирик сифи-да республика бўйсунувида ўтказиш чора-тадбирлари бе-лгиланган. Президентимизнинг Мурожаатномада илгари сур-ган мазкур ташаббуси нафа-қат вилоятимиз ва Самарқанд шаҳри аҳолиси, балки бутун

халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Қадимий ша-ҳарга бундай мақом берили-ши унинг дунёдаги нуфузини ошириш билан бирга, янада тараққий этишига замин яратилади.

Адолатли ижтимоий сийбят юритиш, инсон капиталини ривожлантириш бу йилги Давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири ҳисоб-ланади. Лойиҳага биноан, йил давомида ишсиз ва иш қиди-раётган шахсларнинг 160 минг нафари ўзи истаган касблар-га ўқитилади, 14 минг нафа-рининг касбий малака дара-жаси тасдиқланади. Айни чоғда оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган 75 минг нафар ишсиз хотин-қиз давлат ҳисобидан меҳнат бозоридида талаб юқори бўлган касб-хунарлар-га ўқитилади. Бу борада ви-лоятимизда ҳам режалар ишлаб чиқилиб, амалий иш-лар бошлаб юборилди. Са-марқанд шаҳридаги мономар-каз ҳамда туман ва шаҳар-лардаги касб-хунарга ўқитиш

Умуман, ҳужжат лойиҳасида саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хиз-мат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш, маҳал-лар инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, экологик муаммоларнинг олдини олиш, "яшил" технологияни кенг қўллаш ва бошқа соҳаларга доир чора-тадбирлар йил дастури асосини ташкил этиб, мамла-катимизда "Инсон қадрини юксалтириш" тамойили ҳаётда ўз ифодасини топиши учун дастуриламалга айланади.

Шу ўринда айтиш керакки, мухокама давомида билдири-ладиган тақлифлар, албатта, инобатга олинади. Ана шунда Давлат дастури биз кутгандек ҳалқчил ва мукамал ҳужжат-га айланади. Зеро, асосий мақсад инсон қадрини улуғла-шдан иборатдир. Шу маънода, барча юртдошларимиз, жумла-дан, самарқандликларни мухокамалар жараёнида янада фаол бўлишига чақирамиз.

Эркинжон ТУРДИМОВ,
Самарқанд вилояти ҳокими,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

марказларида ишсиз фуқаро-лар йигирмадан зиёд касб-хунарга ўқитилмоқда.

Жорий йилда фарзандла-римизнинг сифатли таълим-тарбия олиши ҳам асосий эътибордаги масалалардан бирига айланади. Жумладан, болаларни мактабгача сифат-ли таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш орқали қам-ровни 92 фоизга етказиш кўзда тутилган. Шу мақсадда мак-табгача таълимнинг муқобил шакллари жорий этилади. "На-мунавий мактаб" лойиҳалари ижрога қаратилиб, янги мак-таблар қуриш, реконструкция қилиш ишлари кўлами янада кенгайди.

Бундай эзгу саяё-ҳаракат-лар олий таълим тизимида ҳам амалга оширилиб, вилоятдаги университет ва институтларда янги ўқув бинолари ва лабо-раториялар бунёд этилади. Унга яқин талабалар тураржой-лари қурилади.

Лойиҳада миллий мадани-ятимиз ва санъатимизни кенг тарғиб қилишга қаратилган халқаро маданий тадбирларни ўтказиш юзасидан ҳам қатор вази-фалар белгиланган. Жум-ладан, пандемия сабабли тўхтаб қолган "Шарқ тарона-лари" халқаро мусиқа фести-валини жорий йилда ўтказиш режалаштирилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ОМБУДСМАННИНГ 2022 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ КЕЧДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя этилиши юзасидан Парламент комиссиясининг навбатдаги йилгилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2022 йилдаги фаолиятига бағишланган ахбороти тинланди.

Ушбу масала юзасидан Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳамда Омбудсман ҳузуридаги комис-сия раиси Феруза Эшматова ахборот берди.

Таъкидланганидек, 2022 йил-дан Омбудсманнинг ҳудудлар-да доимий асосда ишловчи ми-нтақавий вакиллари иш бошла-ган ва бу фуқаролар муноса-батларини теъкорлик билан жой-га чиқиб ўрганиш, мониторинг ташрифлари қамровини кен-гайтириш имконини беряпти.

Ҳисобот йилда Омбудсман номига жами 17 минг 761 та мурожаат келиб тушган. Улар-нинг 14 минг 526 таси Ўзе-бекистон Республикаси фуқаро-лари ҳамда фуқаролиги бўлма-ган шахслардан, чет эл фуқаро-ларидан ва хоржий давлат-лар омбудсманларидан, 3 минг 235 таси жазони ижро этиш муассасаларидан юборилган.

Мурожаатлар вилоятлар ке-симмида аҳоли сонидан келиб чиқиб таҳлил қилинганда энг кўп масалалар Тошкент шаҳ-ри, Қашқадарь, Сурхондарь, Навоий ва Жиззах вилоятла-рига тўри келган.

Утган йилда Омбудсман то-монидан фуқаролар мурожаат-ларини ўрганиш давомида бу-

Шунингдек, ҳисобот даври-да Омбудсман номига ҳаракат-ланиш эркинлиги чекланган шахслар сақлангандаги ҳолатлар-да сақланаётган шахслар, уларнинг яқин қариндошлари ҳамда ҳимоячилари томонидан жами 3 235 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 52,5 фоизи бевосита маҳкум ва маҳбус-лар томонидан юборилган.

Омбудсман сўровига асо-сан прокуратура идоралари то-монидан олиб борилган ўрга-нишлар натижасида жиноят иш-ини кўзга тушириш рад этиш ҳақидаги 43 та (2021 йилда 32 та) қарорнинг барвақт қабул қилинган аниқланган. Ушбу қарорлар бекор қилиниб, қўшимча сурштирув ва тер-говга қадар текширув ўтказиш белгиланган.

Эшитишда Парламент комиссияси аъзоларига Омбудсманнинг ҳуқуқий таҳлил, халқаро ҳамкорлик, ҳуқуқий тарғибот ҳамда жамоатчилик билан ишлаш йўналишидаги фаолияти ҳақида ҳам маъ-лумот берилди.

Илгилгида комиссия аъзо-лари томонидан Олий Мажлис-нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаоли-ятини янада тақомиллаштири-шга қаратилган тақлиф ва тав-сиялар берилди.

Яқунда кўриб чиқилган ма-сала юзасидан Парламент ко-миссиясининг тегишли қарор-лари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЭНЕРГЕТИКА: ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмиталари ҳамкорлигида "Энергетика соҳасида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва истиқболда белгиланган чора-тадбирлар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодий ривожлантиришнинг драйвери бўлиши энер-гетика соҳасига стратегик йўналиш сифатида эътибор қаратилаётган. Қисқа мuddат-ларда янги энергия қувватла-ри барпо этилди. Иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий со-ҳада электр энергияси самар-адорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манба-ларидан фойдаланишни ривож-лантириш бўйича изчил исло-хотлар олиб борилляпти.

Хусусан, иқтисодий теъни электр энергияси билан узлу-қсиз таъминлаш ҳамда "яшил" иқтисодий технологияларни барча соҳага жорий этиш мақсадида умумий қиймати 700 млн. доллардан ортиқ бўлган хоржий инвестиция-ларни жалб қилиш ҳисобида Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Сирдарь ҳамда Хоразм вило-ятларида умумий қуввати 1 354 мегаватт бўлган 6 та иссиқлик ва қуввати 100 мегаватт 1 та қўёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди.

Қайд этилганидек, сўнгги олти йилда аҳоли 13 фоиз, са-ноат қороналари эса 2 баро-бар ортиб, 4,5 мингдан 100 минггага кўпайди. Нати-жада электр энергиясига талаб қанмида 35 фоиз ошди ва бу кўрсаткич йилдан-йилга кўпайиб борапти. 2030 йилга

бориб республика истеъмол-чиларининг табиий газга йил-лик талаби ҳозирги 54,2 мил-лиард куб метрдан 65 мил-лиард куб метргача, электр энергиясига эса жорий 74 миллиард кВт-соатдан 110 миллиард кВт-соатгача ошishi ҳисоб-китоб қилинган.

Юртимиздаги иссиқлик электр станциялари энерго-блокларининг ақсарияти эски ва 25 йилдан кўп вақт давоми-да фойдаланишни ривож-лантириш бўйича изчил исло-хотлар олиб борилляпти.

Бундан ташқари, соҳада 2026 йилга бориб, электр энер-гияси ишлаб чиқариш кўрсат-кичини қўшимча 30 миллиард киловатт-соат ошириб, жами 100 миллиард киловатт-соатга етказиш кўзда тутилган. Дав-лат-хусусий шериклик тамойили асосида 3 та иссиқлик электр станцияси қуриш орқали қўшимча 634 мегаватт ёки йилга 5,1 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Давра суҳбатида таъкидлан-ганидек, республикаимиздаги мавжуд барча электр станция-

лар орқали жами 80,5 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу ўтган йилдаги нисбатан 8,5 фоиз кўпни ташкил қилади.

Инвестиция дастури доира-сида эса 4,2 млрд. доллар маб-лағ ўзлаштирилиб, 16 та лойиҳа ишга туширилди. Хусусан, дав-лат-хусусий шериклиги асо-сида Сирдарь вилоятида қуввати 1 500 МВт бўлган 1 та иссиқ-лик электр станцияси, Сурхон-дарь, Самарқанд, Жиззах, На-воий, Қашқадарь, Бухоро, Тош-кент ва Фарғона вилоятларида умумий қуввати 2 897 МВт бўлган 9 та қўёш электр стан-цияси ҳамда Навоий вилояти-да қуввати 500 МВт бўлган 1 та шамол электр станцияси ишга туширилди.

Бундан ташқари, соҳада 2026 йилга бориб, электр энер-гияси ишлаб чиқариш кўрсат-кичини қўшимча 30 миллиард киловатт-соат ошириб, жами 100 миллиард киловатт-соатга етказиш кўзда тутилган. Дав-лат-хусусий шериклик тамойили асосида 3 та иссиқлик электр станцияси қуриш орқали қўшимча 634 мегаватт ёки йилга 5,1 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Давра суҳбатида таъкидлан-ганидек, республикаимиздаги мавжуд барча электр станция-

«Халқ сўзи».

Мулоҳаза

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ РУҲИЙ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯЛАШ ҚОНУН БИЛАН КАФОЛАТЛАНГАН

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни таъйик ва зўравонликдан ҳимоялаш борасида мамлакатимизда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Таъйик ва зўравонликдан жабрланган опа-сингилларимизни реабилитация қилиш, уларга психологик, ижтимоий, ҳуқуқий ва моддий кўмак кўрсатиш ҳамда ана шу ҳолатдан чиқishi учун касб-хунар ўргатиш, меҳнатга жалб қилиш мақсадида ҳуқуқий ва ташкилий чоралар кўриляётгани барчага маълум.



Зўравонлик ижтимоий ва психологик муам-молардан бири бўлиб, хотин-қизларнинг руҳи-ятида салбий бўлганлиги ҳақида хабар бермай-ди ёки буни яширади. NCADV (National Coalition Against Domestic Violence) томонидан маълум қилинишича, зўравонликдан жиддий жабрлан-ганларнинг 34 фоизигина тиббий ёрдам сўраб мурожаат этади.

Рухий зўравонлик ҳавфи шундаки, баъзи ҳолатда жабрланган хотин-қизлар руҳий ҳо-латига таъсир бўлганлиги ҳақида хабар бермай-ди ёки буни яширади. NCADV (National Coalition Against Domestic Violence) томонидан маълум қилинишича, зўравонликдан жиддий жабрлан-ганларнинг 34 фоизигина тиббий ёрдам сўраб мурожаат этади.

Рухий зўравонлик бошқа шахслар талқинида одатий ҳолат сифатида ҳам кўриляпти, чунки зўравонлик қилаётган шахс атрофдагилар ол-дида ижобий таснифланиши мумкин. Агар ру-ҳий зўравонликка дуч келган шахс бу ҳақда бошқаларга айтса, бу ҳолат хотин-қизларнинг ҳимояга муҳтож эканлигини англайди ва но-соғлом муносабатнинг олдини олиш чоралари-ни кўриш имконини беради.

Аёллар руҳий зўравонликка кўпроқ оила ва меҳнат муносабатларида дуч келиши мумкин. Кўпинча руҳий зўравонлик оилада содир бўла-ди. Оиладаги зўравонликнинг асосий қурбони — аёл ва болалар. Меҳнат муносабатларида руҳий зўравонликка (моббинг инг. mob — таъвоуз тўдаси) иш бевурич хотин-қизларга нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлади. Мун-тазам равишда (хафтада камида бир марта) раҳбар ёки жамоа томонидан хотин-қизларни таъйик этиш ёки камситишга қаратилган ҳолат-лар уларни ишдан бўшатиш мақсадида бажа-рилади. Моббинг узок вақт давомида зулм қилишда намоён бўлади, асоссиз танқидлар, ҳодимни ижтимоий яққалаш, у ҳақида айтилаб ёлғон маълумот тарқатиш ва бошқаларни ўз ичига олади. Моббинг объекти учун психоло-гик оқибатлар шунчалик жиддийки, ижтимоий аҳамиятига кўра зўрлаш ва талончилик билан таққосланади.

Умуман, руҳий зўравонлик — таҳдид, қўрқитиш, ҳақоратлаш, танқид қилиш ва бошқа усуллар ёрдамида хотин-қизларнинг ҳис-туйғу-лари ёки руҳиятига таъсир кўрсатишда намоён бўлади. Рухий зўравонликнинг яна бир ҳавфи у жисмоний зўравонликка айланish эҳтимоли юқори.

Доимий танқид билан жабрланувчи хотин-қизларнинг ўзига нисбатан бўлган ҳурмати ва ўзига ишончи пасаяди, бу ҳолатда зўравон ўз фикрини ва хоҳлаган ҳатти-ҳаракатларини на-моён этиши осонроқ бўлади. Натижада опа-сингилларимизнинг жамиятдаги соғлом муҳит-ни шакллантиришдаги ўрни ва инсон қадрини

камситилади, бу эса ҳар бир давлат томони-дан ҳуқуқий кафолатлар яратилишини тақозо этиши табиийдир. Шу боис Ўзбекистон Рес-публикасининг "Хотин-қизларни таъйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда хотин-қизларнинг руҳий зўравонлиги билан бо-глик ҳуқуқий мезонлар аниқ белгилаб қўйилган.

Бу ҳақда янада ойдин тасаввурга эга бўлиш учун руҳий зўравонликнинг қонуний таърифини келтириб ўтамиз. Яъни хотин-қизларни ҳақорат-лаш, уларга тўхмат ва таҳдид қилиш, уларнинг шайни, қадр-қимматини камситиш, хоҳиш-иро-дасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракат-ларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, жум-ладан, репродуктив соҳада назорат, таъйик ва зўравонликдан жабрланувчида ўз вақфисизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила ол-масликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зар-рар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар руҳий таъйикнинг ўзига хос қўрқинчларидир.

Шу ўринда Ўзбекистонда оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижти-моий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, улар-ни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкилий чоралар кўриляётгани ҳам алоҳида айтиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қиз-ларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал вази-фасини ўтамоқда. Унга биноан, Вазирлар Маҳамаси томонидан таъйик ва зўравонликдан жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳавфсизлигини, жисмоний ва руҳий реабилитациясини, мослашувини таъминлаш бўйича тузилмаларни ташкил этиш, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш орган-лари ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг таъйик ва зўравонликдан жабрланувчи-ларга тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатиш юзаси-дан услубий тавсиялар ишлаб чиқishi ҳамда уларни соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш амалиётига жорий этиш белгиланган.

Қолаверса, Вазирлар Маҳамасининг 2020 йил 30 октябрдаги қарорига кўра, 2020-2021 йилларда жамиятда ҳуқуқий мадани-ятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинган бўлиб, унинг 16-бан-дида жамиятда аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, аёлларга нисбатан таъйик ва зўравонликнинг олдини олиш мақса-дида "Гендер-мадд" электр ҳуқуқий-масла-ҳатчи лойиҳасини ишга тушириш белгиланган эди. Адиля вазирлиги томонидан 2021 йил август ойида "gendermadad.uz" электр ҳуқуқий-маслаҳатчи платформаси ишлаб чиқилиб, 2022 йил 1 мартдан ишга туширилди.

Умуман олганда, мамлакатимизда хотин-қиз-ларни қўллаб-қувватлаш ва уларни таъйик ва зўравонликдан ҳимоялаш қонун билан кафо-латланган бўлиб, бу борадаги ишлар тобора изчиллик касб этмоқда. Зотан, бу масалани нафақат демократик андозалар, балки инсо-нийлик нуқтаи назаридан ҳам ҳал этишимиз зарур.

Гулнора МАЪРУФОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

АРХИВЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

АРХИВЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

Хусусан, ўтган йил 15 декабрда Президент томонидан имзо-ланган "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафо-латлари тўғрисида"ги Ўзе-бекистон Республикаси Қону-нига қўшимча ва ўзгартиш-лар киритиш ҳақида"ги Қонун бугун ҳаётга кенг та-биқ этилмоқда.

Тадбирда ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти, шунингдек, Ўзбекистонда гендер тенг-лик бўйича эришилган на-тижалар, бу йўналишдаги устувор вази-фалар, давлат хизматида гендер тенгли-кни таъминлаш ҳамда ген-дер статистикаси ва БМТ тавсияларини амалга оши-риш масалалари, гендерга оид терминологиянинг хотин-қизлар ижтимоий ҳо-латини яхшилашга қаратилган имкониятлари тўғрисида ҳам сўз юритилди.

Айни чоғда тадбирда сенаторлар томонидан 2023 йилга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури ўзида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъмин-

лашга қаратилган қонунчи-лик асосларини тақомил-лаштириш, ижтимоий-иқти-содий соҳаларда тенг ҳуқуқ ва имконият яратиш, таъйик ва зўравонликнинг олдини олиш ҳамда гендер статис-тикаси юритилишини тақомиллаштириш сингари усту-вор йўналишлар қамраб олингани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўз навбатида, сенатор-лар гендер тенглик, хотин-қизларга яратилган имкони-ятлар, архив иши соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, тизимда хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга қаратилган ишлар билан танишиш мақсадида архив ҳодимлари билан мулоқот ўтказди.

Давра суҳбати давомида Сенат ҳамда "Узархив" агентлиги ҳодимлари томо-нидан сўз юритилаётган стратегия ижросини таъмин-лаш ҳамда "Гендер тенглик фаоли" таловини юқори даражада ўтказиш юзасидан қатор тақлифлар ишлаб чи-қилди.

«Халқ сўзи».

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ ИШЛАРИ ЯНГИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Хусусан, "темир дафтар"га киритилган аҳолини қўллаб-қув-ватлаш, "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари" асосида ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, деҳқон ҳўжаликлари ҳамда шахсий то-морқалардан самарали фойдаланиш борасида баҳарлаётган ишларнинг ҳолати атрофида ўрганиляпти. Аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўрин-ларини яратишда тўсиқ бўлаётган ти-зимли муаммоларни таҳлил қилиб, улар-ни ҳал этишнинг ҳуқуқий механизмлари-ни яратиш чоралари кўриб келинмоқда.

Президентимиз томонидан 2022 йил 26 октябрь куни имзоланган "Фуқаро-ларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республика-сининг Қонунига пенсия тайинлаш тар-тибини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун билан 2023 йил 1 январдан бошлаб I ва II гуруҳ ногирон-лиги бўлган шахсларга пенсия тайин-лангандан кейин камида 1 йил иш ста-жига эга бўлса, иш стажи ва иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда ҳамда келгусида ҳар 2 йилда ногиронлик пенсия миқдо-рини қайта ҳисоблаш амалиёти жорий этилди.

Натижада жорий йилда 75 минг на-фар I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси олгуви фуқаронинг пенсия миқдорлари қайта ҳисоб-китоб қилиниши нати-жасида ногиронлик пенсияси ўртача 304 минг сўмга ошди.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳоли-си 36 миллиондан ошди. Ҳар йили ўрта ҳисобда 900 минг нафар янги авлод қўшилимоқда. Бу эса соҳадаги ишлар салмоғини янада кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг ижти-моий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашни тақозо этади. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стра-

тегиясида ҳам аҳоли бандлигини таъ-минлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи устувор йўналиш сифатида белгиланган.

АНДИЖОН: БАНДЛИК МАСАЛАСИДА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАҒСИЛОТЛАР

ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ КАСБ, ҲАМ ДАРОМАД

Шу йил 20 январь куни мактабларда хоржий тиллар ва касб ўргатиш тизимини ривожлантириш масаласи буйича давлатимиз раҳбари бошчилигида бўлиб ўтган йилгиликда битирувчиларнинг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай қасбга эга бўлмадан кириб келаятгани таниқ қилиниб, ўқувчи-ёшларга мактабда камиди иккита хоржий тил ҳамда битта касб-ҳунар ўргатиш тизимини йўлга қўйиш юзасидан устувор вазифалар белгиланганди.



Шунга қўра, Хоразм вилоятидаги умумтаълим мактабларида ҳам касб-ҳунар ўқув-устахоналарини ташкил этиш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Ҳар бир туман ва маҳалланинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўқувчиларга мактабнинг ўзига 64 турдаги касбни ўргатиш юзасидан тақрирлар ишлаб чиқилаётди.

Хива шаҳридаги 18-умумтаълим мактабида шаҳар ва туманлар ҳокимлари, таълим соҳаси раҳбарлари, мактаб директорлари иштирокида ўтказилган амалий семинар айтиш шу масалага бағишланди.

Семинар қатнашчилари хоржий тил ўқувчиларининг дарс тақдиротлари, ахборот технологиялари соҳасида ўз иқтидорларини намойиш этаятган ёш дастурчилар ҳамда ўқув устахоналари фаолияти билан танишдилар.

Айтиш ўринлики, мазкур мактабда иккита хоржий тил ва 17 турдаги касбни

ўргатиш учун махсус хоналар ташкил қилиниб, ушбу тўғаракларга 7 — 11-синф ўқувчиларидан 220 нафари жалб этилган. Машғулотларни юқори малака сертификатига эга чет тили ўқитувчилари ва Хиванинг машҳур ҳунармандлари олиб боради. Компьютер ва мобил телефонларни таъмирлаш, ёғоч ўймакорлиги, тунукасозлик, тикувчилик, пазандалик, эркаклар ва аёллар сартароши каби касбларни пухта эгаллаш учун мактаб ҳовлисида қисқа вақт ичида энгил конструкциялар ёрдамида бир нента ўқув устахоналари барпо этилди. Эътиборлиси, ўқувчилар дарсдан бўш вақтда касб ўрганиш баробарида шогирд сифатида маълум микдорда даромад ҳам ишлаб топадилар.

Семинарда ушбу мактаб тажрибасини вилоят буйича кенг оммалаштириш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Кўп қаватли уй ЕРТЎЛАСИДАГИ «ХАЗИНА»

Фаргона шаҳридаги "Машъал" МФЙ ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйнинг ертўласида микроорганик ўсимликларни етиштириш кооперацияси фаолияти йўлга қўйилди.



Шу тарихда тадбиркор Тоҳиржон Абдусаматов томонидан 60 кв. метр жойда ҳаридорчи маҳсулот етиштириш йўлга қўйилиб, 15 та янги иш ўрни яратилди. Айтиш пайтада тайёр маҳсулотлар вилоятдаги умумий оқватланиш шохобчалари, супермаркетлар ҳамда Тошкент шаҳри, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги улғурчи харидорларга етказиб берилмоқда.

Қўйилган 250 миллион сўмга тенг ушбу лойиҳага буйича тадбиркор 30 турдаги фойдали ва витаминларга бой микроқўқатларни етиштирмоқда. — Тадбиркор билан ҳамкорликда ҳудуддаги яна 10 та кўп қаватли уйнинг ертўла қисмида микроорганик ўсимликлар етиштириш буйича бизнес-режа ишлаб чиқиди, — дейди "Машъал" МФЙ ҳокими ёрдамчиси Арофатхон Мақсудова. — Тадбиркор кооперация усули орқали урлик етказиб беради, кейин тайёр маҳсулотни ўзи сотиб олади. Янги тармоқни ривожлантириш тўғрисида маҳаллада ўртача 500 — 600 та иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

Ҳоким ёрдамчисининг қайд этишича, хизмат кўрсатиш соҳаси маҳалланинг "ўсиш нуқтаси" сифатида белгиланган. Ўтган қисқа вақт ичида маҳаллада хизмат кўрсатиш соҳасида 114 та корхона ҳамда 45 та яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди.

БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИ 370 ТАДАН ОШДИ

Президентимизнинг 2022 йил 13 январдаги "Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Сирдарё вилоятида қисқа вақт ичида 11 миллиард 700 миллион сўмлик 10 та лойиҳа амалга оширилди.

Айтиш пайтада вилоятда 371 та балиқчилик хўжалиги мавжуд. Уларга тегишли 10 минг 700 гектарлик сунъий ҳамда 500 гектарлик табиқий сув ҳавзаларида лосось, зогора, оқ дўнғешона, оқ амур каби ўндан ортик балиқ турлари парвариланмоқда. Эътиборлиси, ушбу бўйхатда осётр, форель сингари ноёб турларни ҳам урчатиш мумкин.

— Умумий ер майдонимиз 1 258 гектарни ташкил этиб, унинг 500 гектариди сунъий

«Халқ сўзи».

Тадбиркорлар — фаровон ҳаётимиз бунёдкорлари. Тадбиркорга эриклик берилса, қўллаб-қувватланса, гуркураб ривожланишига Шаҳрихон туманидаги "Elegant shoes and" корхонаси яққол мисол.

Дастлаб ишни қосибчилик шаклида бошлаган тадбиркор охириги тўрт йилда кичик бинодо фаолият юритар эди. Ўтган йили тадбиркор ўз маблағи ҳисобидан 8 миллион долларлик янги корхона ташкил этди. Келажакни инobatга олиб, мажмуа тўрт қаватли қилиб қурилди. Усуналар Туркия ва Хитойдан олиб келинди. Ишлаб чиқаришга туркиялик дизайн



нер ва технологлар жалб қилинди. Биринчи босқичда 60 хил пойабзал ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганди. Ҳозир бу ерда 500 киши ишламоқда. Иккинчи босқичда яна шунча иш ўрни ташкил этилади. Корхонанинг асосий мўлжалли — экспорт. Жорий йилда бу кўрсаткични 4 миллион долларга етказиш режалаштирилган. Тадбиркор Европа бозорига чиқмоқчи эканини айтди. Давлатимиз раҳбари бу буйича мутасаддиларга кўрсатма берди.

Сўнгги йилларда юртимизда инсон капиталига юксак эътибор қаратилаётди. Бинобарин, инсон капитали, бу — инсоннинг ўзига ва юртига, халқига фойда келтиришга тайёргарлиги даражасидир.

Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида мактаб ўқувчиларини хоржий тиллар ва касб-ҳунарга ўргатиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. 20 январь куни бу борадаги вазифалар буйича йиғилиш ҳам бўлиб ўтди. Туман ва маҳаллаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ўқувчилар мактабнинг ўзига 64 хил ишчи касбларга ўргатилиши режалаштирилди. Бу мақсад жойларда ҳаётга кўча бошлади.

Хусусан, Андижон туманидаги 55-умумтаълим мактаби таъмирланиб, қўшимча шароитлар яратилди. Мактабнинг юқори синф ўқувчилари бу ерда тикувчилик, мебелчилик, қандолатчилик, қосибчилик, сават тўқиш, қўра-тўшақ тикиш каби йўналишларни ўрганмоқда. Шунингдек, мактаб ҳудудида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, пайвандаш, типография, компьютер хизмати ва салонлар ташкил этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев ташриф доирасида Андижон туманидаги Сада таги маҳалласида бўлиб, аҳоли турмуши билан яқиндан танишган

ни маҳалла аҳли кўнглини тоғдек кўтарди. Аслида ҳам юртимизда ҳалол меҳнат ҳаммаша қадр топган. Меҳнат қилган — элда азиз бўлишини шу маҳалла аҳли мисолида кўриш мумкин. 3 минг 600 нафардан ортик аҳоли яшовчи ушбу ҳудуд қиёфаси охириги йилларда тубдан яхшиланиб бормоқда. Оилалар ердан унумли фойдаланишининг ҳадисини олган. Кейинги йилларда "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури асосида паррандачилик, узумчилик, иссиқхоналар ташкил этилмоқда. Шунингдек, маҳалла ҳудудида тўқимачилик корхонаси, озик-овқат

ли уйлар, мактаб ва боғчалар қад кўтариб, замонавий инфраструктурага эга шаҳарча буйи чўзаяпти. Андижон водий вилоятлари орасида аҳолиси зичлиги билан ажралиб турадиган ҳудуд ҳисобланади. Вилоят республика ҳудудининг 1 фоизини, аҳолиси эса қарийб 10 фоизини ташкил этади. Шу боис ҳам вилоятда ернинг ҳар бир қарич майдонидан унумли ва оқилона фойдаланиш талаб этилади.

Президентимиз Андижон вилоятига аввалги ташрифи чоғида ана шу жиҳатни ҳисобга олиб, қолаверса, экин майдонларини камайитмаслик мақсадида вилоятнинг адир зоналарида кўп қаватли уйлар қуриш ва шу орқали тобора ўсиб бораётган аҳолини арзон, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш муҳимлигини таъкидлаган эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан вилоятда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Андижон тумани адирликларида 440 минг нафарга яқин аҳоли яшаши мумкин бўлган Янги Андижон шаҳрини барпо этишга киришилди.

Айтиш чоғида вилоят иқтисодиётининг ўсиши ва аҳолиси ортгани сай-

ли уйлар, мактаб ва боғчалар қад кўтариб, замонавий инфраструктурага эга шаҳарча буйи чўзаяпти. Андижон водий вилоятлари орасида аҳолиси зичлиги билан ажралиб турадиган ҳудуд ҳисобланади. Вилоят республика ҳудудининг 1 фоизини, аҳолиси эса қарийб 10 фоизини ташкил этади. Шу боис ҳам вилоятда ернинг ҳар бир қарич майдонидан унумли ва оқилона фойдаланиш талаб этилади.

Президентимиз Андижон вилоятига аввалги ташрифи чоғида ана шу жиҳатни ҳисобга олиб, қолаверса, экин майдонларини камайитмаслик мақсадида вилоятнинг адир зоналарида кўп қаватли уйлар қуриш ва шу орқали тобора ўсиб бораётган аҳолини арзон, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш муҳимлигини таъкидлаган эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан вилоятда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Андижон тумани адирликларида 440 минг нафарга яқин аҳоли яшаши мумкин бўлган Янги Андижон шаҳрини барпо этишга киришилди.

Айтиш чоғида вилоят иқтисодиётининг ўсиши ва аҳолиси ортгани сай-



Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ҳам энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласини кўтариб, бунинг қанчалик муҳимлигини изохлаб берганди. Мурожаатномасида жорий йилда яна 4,5 минг мегаватт 11 та йирик лойиҳа якунига етказилиб, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида барпо этиладиган қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобидан қўшимча 14 миллиард киловатт



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ин электр энергияси истеъмолига бўлган талаб ҳам ошиб бораётган эди. Хусусан, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида электрга талаб 40 фоизга кўпайган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Андижонга бу галги ташрифи ҳудуд аҳолиси ва тадбиркорларини ўйлантириб турган мазкур масалага тўғри ечим топиб берилгани билан муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз вилоятга ташрифи чоғида қайта тикланувчи энергия манбаларини оммалаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чоралари буйича йиғилиш ўтказди. Йиғилишда Юртбошимиз мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли ўсиши билан электр истеъмоли ҳам кундан-кунга ошаётган бир шароитда энг тўғри ечим қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш эканини алоҳида қайд этаркан, қуёш ва шамол станциялари лойиҳаларига эътибор қаратди.

Барчамиз янги биламиз,

электр ишлаб чиқарилиши белгиланган эди. Давлат раҳбари вилоятимизга ташрифи чоғида Мурожаатномасида белгиланган энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласи борасидаги вазифаларни рўйбга чиқаришда ўз кўрсатма ва тавсияларини берди.

Хусусан, Андижонда 41 та микро-гидроэлектростанция қуриш имконияти борлиги ҳақида тўхталаркан, йирик корхоналарда ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, умуман, уларни электр билан ўзини ўзи таъминлашга ўтказиш кераклигини таъкидлади. Шунингдек,

Хулоса ўрнида айтганда, Юртбошимизнинг Андижон вилоятига ташрифи бу ерда барқарор энергия манбалари яратилиб, тадбиркорлик янада ривожлантирилиши, аҳоли даромадлари ўсиб, турмуш фаровонлиги янада юксалиши йўлидаги улкан воқелик сифатида жамоатчилик томонидан юқори баҳоланмоқда. Бинобарин, амалга оширилаётган ишларнинг бари ҳалқимиз, юртимиз фуқаролари янада фаровон, маърифатли, бахтиёр яшаши учун қаратилган эътибор, кўрсатилаётган амалий ғамхўрлик намунасиدير.

Сўнгги икки йилда аҳолига деҳқончилик учун 8 минг гектар хосилдор экин ерлари берилган бўлса, 2023 йилда яна 10 минг гектар ер тарқатилади. Маҳаллаларда sanoatni ривожлантириш учун 36 та микромарказ ташкил этилади. Давлатимиз раҳбари ишбилармон ва меҳнатсевар одамлар юрти бўлган Андижонни аҳолиси иш ўринлари билан таъминланган ҳудудга айлантириш мумкинлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, бу йил вилоятда 800 миллион долларлик 235 та инвестиция лойиҳаси якунланиб, 40 минг киши иш билан таъминланади. Аҳолига ажратилган 10 минг гектарда 75 мингта домий ва 200 мингта мавсуний иш жойи очилади.

Акрамжон ЙЎЛДОШЕВ, Андижон давлат университети ректори, профессор.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

ТАДБИРКОРГА ТЎСИҚ БЎЛМАНГ

Мабодо, сув келса, симириб, тош келса, кемириб ишлаётган тадбиркорлар рўйхати тўзилгудек бўлса, бухороллик Амина Рамазонова унинг олд қатаридан жой олиши тайин. Нега, дейсизми? — Хоржий сармоядорлар иштирокида Бухоро туманидаги Мижона қишлоғида тадбиркорлик фаолиятига киришган эдик, — дея эслайди Амина Рамазонова. — Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 360 минг АҚШ доллари миқдориди сармоя жалб этдик. Бу айтишгагина осон. Бинони эпакга келтирдик, инфратузилма билан шуғулландик, дастгоҳлар келтирдик. Хуллас, анча-мунча маблар сарфлаб қўйдик. Аммо бизга турли вақлар билан босим ўтказилди. Оқибатда, кўч-кўроримизни кўтариб чиқиб кетишга мажбур бўлдик.

Амина Рамазонова табиатдан қатъиятли, бир сўзлаи аёл. Руҳан синмади, елиб-юғуриб Когон шаҳридаги кичик санаот зонасидан жой ажратилишига эришди. Корхона учун бино қурди. Тўққиз ой деганда корхонаси иш бошлади. Фаолият юритаётганига атиги бир ярим йил бўлган "MRR New Star — 2020" масъулияти чекланган жамияти дарҳол экспортчи корхоналар сафидан ўрин олди. Ўттиз олти нафар ишчи шу ердан ризқ-насиба топяпти. — Биз ишлаб чиқараётган аёллар пойабзалига Бирлашган Араб Амирликлари ишбилармонлари қизиқиши билдирди, — дейди тадбиркор. — Бозордаги талаб ва истакни ўрганиб, Дубайда ўз омборхонамизни очилишимиз керак деган фикрга келдик. Маҳсулотимиз шу омборхона орқали

дан бошлаб, электр энергияси таъминотида муаммолар юзага кела бошлади. Боз устига оғоҳлангирмай ўчиришганига нима дейсиз?! Кейин эса газ таъминоти билан боғлиқ муаммолар юзага чиқди. Корхона таъминотидан узилди. Оқибатда ишчиларга ўз ҳисобидан таътил берилди. Ваҳоланки, бу ерда меҳнат қилаётганларнинг аксарияти ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакиллари — фарзандлари таъминоти улар зиммасида. Шундай экан, тадбиркор аёлга кўнғироқ қилиб, "Қачон ишга чиқамизми?", дея сўраётган ишчининг аҳолини тушуниш мумкин.

— Ҳаётий тажрибадан келиб чиқиб айтманки, аҳолига, шу жумладан, биз, тадбиркорларга хизмат кўрсатаётган банк, солиқ, кадрастр, меҳнат муҳофазаси, электр энергияси, табиқий газ таъминоти каби қатор тизимларда фаолият юритаётган ходимлар мавжуд қонунчиликни, Президентимиз қарорлари мазмун-моҳиятини, аввало, ўзлари чуқур билиши, унга қатъий риоя этиши ва юртимизда тадбиркорлик ривожига ҳисса қўйишга ўзларини масъул деб ҳисоблашлари, бир сўз билан айтганда, юраклари "жиз" этмоғи керак, — дейди тадбиркор. — Афсуски, қоғозбозлик, бюро-

кратия ҳали-ҳануз учраб турибди. Табиқий, бундан — турли сунъий тўсиқларга дуч келган ишбилармоннинг, хусусан, бошловчи тадбиркорнинг ҳафсаласи пир бўлади. Руҳан қўқайди, иштиёқи сўнади. Ахир, тадбиркорнинг пешонаси тошдан эмаску?! Ачирлиси, туман, вилоят, қолаверса, мамлакат иқтисодиётини мустаккамлашга, аҳолини иш билан таъминлашга, камбағалликка барҳам беришга улуш қўйиши мумкин бўлган айрим бизнес лойиҳалар ном-нишонсиз кетиши мумкин.

Юқорида тилга олганимиз "MRR New Star — 2020" масъулияти чекланган жамияти раҳбари жонқуярлик билан айтган масалалар фақат шу корхонага дахлдор десак, хато бўлади. Дейлик, биргина Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, 2022 йилда тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларига асосан низоли ҳолатлар буйича судларга жами 3556 та давъо аризаси киритилган. Шунинг 3542 таси судлар томонидан қансатлантирилган. Бу далаил қўллаб тадбиркорларнинг қимматли вақтларини суд муҳокамаларида ўтказишга мажбур бўлганини ҳам аналтади. Ваҳоланки, улар шу ташвишу муаммоларга дуч келишмага-

УЛУҒ АЛЛОМА СИЙМОСИ БАРҲАЁТ

Нафақат туркий халқлар, балки жаҳон адабиётининг муаззам сиймоларидан бири бўлган Алишер Навоий таваллуд санасига бағишланган тантаналар **Навоий шаҳрида** шоирнинг ҳайкали пойига кенг жамоатчилик томонидан гулчамбарлар қўйиш билан бошланди. Шу ернинг ўзида таниқли навоийшунос олимлар, ижодкорлар улуг бобокалонимизнинг бой адабий мероси ва улардаги умуминсоний ғоялар хусусида маърузалар қилди.

— Президентимиз Навоий вилоятига илк ташрифидаёқ шоир номи билан аталадиган шаҳарни жаҳон навоийшунослигининг илмий марказига айлантириш ғояларини илгари сурган эди, — дейди Навоий давлат педагогика институтининг профессори Абдухамид Холмуродов. — Бу бежиз эмас. Боиси ҳазрат Навоийнинг ижоди ва фаолияти тадқиқотиغا Европанинг бир қатор мамлакатларида ўн еттинчи асрлардаёқ қилинган, ўша даврлардаёқ шоир асарлари хорижий тилларга таржима қилинган. Ўн тўққизинчи асрнинг 60-йилларида Урта Осиёни қадам-бақадам кезиб чиккан Вамбери ушбу ҳудудда яшаётган кишилар Алишер Навоий газаллари ва унинг ҳаёти, фаолиятини ёд билишидан ҳайратга тушган.

Афсуски, кейинчалик мустабид тузум мафқураси тўғрисида улуг шоир ҳақидадан узоқлашди. Тадқиқотларнинг аксариятида унинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятига кўпроқ эътибор қаратилди. Бугун мамлакатимиз яна навоийшунослик тадқиқотлари марказига айланган бормоқда. Мисли кўрилмаган илмий изланишлар олиб борилиб, тадқиқот ҳаётларидан чегаралар олиб ташланди.


Модомики, сўз адабиёт ва эркинлик хусусида бораркан, Алишер Навоий асарлари мадҳоҳлик ва ҳушомадўйликдан йироқлиги тўғрисида на мақом танлайди. Асосийси, инсон ички олами, маънавий қимматлари ҳар доим шоир шеъриятининг диққат марказида бўлган.

Навоий вилоятида аънаванавий навоийшунослик кунлари доирасида ўтказилган ҳар бир тадбирда шулар хусусида сўз юритилди.

Тантаналар шаҳардаги “Фарҳод” маданият саройида шоир газаллари асосидаги қўшиқ ва уларга бастанланган куй ҳамда рақслардан иборат катта концерт дастури билан давом этди.

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номи билан аталувчи марказий истироҳат боғи эрта тонгдан давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчилар, шоирлар, профессор-ўқитувчилар, талаба ва ўқувчи-ёшлар билан бўлди.

Алишер Навоий ҳайкали пойида ўтказилган тадбирда улуг бобокалонимизнинг ҳаёти, бой маданий мероси ва бугунги кундаги қадр-қиммати хусуси-



да сўз юритилди. Улуг мутафаккир асарлари дунё халқларининг бебаҳо маънавий меросига айлангани таъкидланди.

Турли тилларда шоирнинг ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқилди. Самарқанд вилояти мусиқали драма театри санъаткорлари томонидан Алишер Навоий сиймоси акс эттирилган сахна кўринишлари намойиш қилинди.

Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий сиймосига эҳтиром сифатида унинг маҳабатли ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди.

Санага бағишланган тадбирлар Самарқанд шаҳридаги ихтисослаштирилган санъат мактабининг концерт залига назм ва наво, мушоира кечаси билан давом этди.

Гулистон шаҳри марказида улуг аждодимиз, буюк мутафаккир Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг ҳайкали бор. Ҳайкал атроф-жавонбидидаги манзил “Алишер Навоий номидаги билимдонлар маскани” деб аталади. Кейинги йилларда бунёд этилган ушбу гўзал гўша бугунги кунда маҳаллий аҳоли ва меҳмонларнинг энг сеvimли масканига айланган.

Ёғочдан қурилган ўзбекона айвонлар, ҳаммаша саришта ҳовлиси, гулзорлар майдонга ажиб бир нафосат бахш этиб туради. Ўз навбатида, улуг шоиримиз номига мутаносиб равишда ушбу майдон санъат, адабиёт ва маданий-маърифий тадбирлар, тантаналар маркази ҳам саналади. Мана, бир неча йилдики, унинг саҳнида тез-тез шеърхонлик, мақом концертлари ўтказиб турилиши аънава тусига кирди.

Вилоятдаги Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллигига бағишланган тантаналар ҳам аynи маскандан бошланди. Қатор ташкилот ва идоралар жамоалари, таълим муассасалари, ижод аҳли, аҳоли вакиллари, ёшлар иштирокида ўтган тадбирда улуг шоир сиймоси пойига гуллар қўйилиб, хотирасига эҳтиром кўрсатилди.

Сирдарё вилояти мусиқали драма театрида бўлиб ўтган асосий тадбирда беназир шоирнинг бой ва серқирра ижодий мероси, ибратли ҳаёт йўли ҳақида фикр юритилиб, асарларида улугланган эзгу ғоялар халқимиз, ёш авлод тарбиясида катта аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Тантанали тадбирнинг адабий-бадий қисмида театр жамоаси томонидан “Лисон ут-тайр” асари асосида саҳналаштирилган “Кўш тили” спектакли намойиш этилди.

Алишер Навоийнинг беназир шахсияти, бебаҳо адабий мероси ва фаол ижтимоий салоҳияти биз, ёшлар учун ибрат мактабидир, — дейди Гулистон давлат университетининг филология факультети талабаси Муслима Рисқуллова. — Бу йил мен Алишер Навоий номидаги давлат стипендиясига муносиб топилдим. Бу имконият, бу эътибор бундан-да аъло ўқиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, изланиш масъулиятини оширади.



Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллиги муносабати билан Хоразм вилоятидаги таълим масканлари, меҳнат жамоаларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Жумладан, **Хонқа туманидаги** улуг аждодимиз номи билан аталувчи музейда ташкил қилинган адабий тадбир ҳамда ушбу тадбирда, адабиётшунослар, Навоий ижодининг илхосмандлари иштирок этдилар. Улуг мутафаккир ҳайкали пойига кенг жамоатчи-

лик вакиллари томонидан гуллар қўйилиб, эҳтиром кўрсатилди. Тадбирда беназир шоирнинг бой ва серқирра ижодий мероси, ибратли ҳаёт йўли ҳақида фикр юритилиб, асарларида улугланган эзгу ғоялар халқимиз, ёш авлод тарбиясида катта аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Навоий ижодини ўрганган сайин хайратлар дунёсига ошно бўлиб, адабиёт уммонининг мислсиз хазинасини кашф этиб бораверасиз, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари Гавҳар Ибодуллоева. — Жаҳон адабиёти тарихида адабий мероси Навоий асарларидек турли тилларга таржима қилинган ва катта иштиёқ билан ўрганиладиган ижодкор кам учрайди. Шу маънода Навоийга бежизга, дунёни маънавий таназзулдан қутқара оладиган мутафаккир, деб таъриф беришмайди. Навоий асарлари юксак маърифатли жамиятнинг, Учинчи ренессанснинг мустақкам маънавий устунлари, десак, асло муболага бўлмайди.

— Буюк мутафаккирнинг инсонпарварлик ғоялари, адолат ва эзгулик, тинчлик ва дўстлик, Вангага муҳаббатга чорлайдиган ижодий мероси япон халқи томонидан ҳам юқори қадрланади. Мазкур ёдгорлик икки буюк миллат маданияти ўртасидаги жонли мулоқотнинг рамзи бўлиб хизмат қилмоқда, — деди у.

Озарбайжон пойтахтида Ўзбекистон элчихонаси томонидан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорликда “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Анжуманда Озарбайжон Миллий фанлар академияси раёсати раҳбарияти, адабиётшунослар, мумтоз адабиёт илхосмандлари иштирок этди. Академия президенти Иса Габиббеили Ўзбек мумтоз адабиётининг буюк вакили Алишер Навоий меросини биргаликда ўрганиш, бу борада қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги ва аҳамияти ҳақида гапирди. У Бokuдаги мазкур халқаро илмий конференция муваффақиятли ўтгани билан барчани табрикледи.

Жанубий Кореяда ҳам ҳар йили 9 февраль — буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий таваллудини кенг нишонлаш аънавага айланган. Бу йил ҳам Ўзбекистоннинг Сеулдаги элчихонаси томонидан Алишер Навоий меросига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда мумтоз адабиётимиз намояндасининг адабий-илмий меросини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимиз элчихонаси ташаббуси билан Сеул шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлиги ўрнатилгани, ушбу ҳайкалнинг очилиш маросими давлатимиз раҳбарининг Корея Республикасига давлат ташрифи арафасида ўтказилгани тарихий воқеа бўлгани қайд этилди.

— Алишер Навоий ижодига эътибор қаратар эканмиз, бобомиз ўз ижодида сўздан беқиёс ва гўзал фойдалангани, ижодий маҳорати гоят хайратланарли эканига амин бўламиз, — дейди Ханжук чет тиллари ва Хонам университетлари профессори Дилноза Калонова. — 2021 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти тасвир қилишни тақлиф этган эди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси саммит иштирокчилари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватлангани аллома бобомизнинг бой маънавий меросига нафақат юртимизда, балки

Биз ва жаҳон

Башарият эъзозидagi шоир

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллиги хорижий давлатларда ҳам кенг нишонланмоқда.

Ушбу сана муносабати билан **Токионинг** Сока университетиде ўрнатилган Мир Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган тадбирда Сока Гакай ташкилоти, Сока университети раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари, Шарқ фалсафаси илмий-тадқиқот институти ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ватандош талабалар иштирок этди.

Тадбир аввалида университет ҳудудида 2004 йилда ўрнатилган Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Шундан сўнг улуг шоирнинг бой ва серқирра ижоди нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётини ҳам салмоқли ўринга эга эканлиги, Японияда ҳам навоийшунослик бугунги кунда жадал суръатлар билан ривожланётгани мамнуният билан қайд этилди.

Японияда Алишер Навоий ёдгорлигининг қад ростлаб тургани ўзбек ва япон халқлари ўртасида тарихий Буюк Ипак йўли билан боғланган маданий-маърифий мулоқотнинг рамзига айлангани алоҳида таъкидланди.

Сока университети ректори Сузуки Масашу жаҳон адабиёти намояндаларидан бири бўлган Алишер Навоий ҳайкали мазкур олий билим юрти жамоасига фарх-ифтихор бахш этишини билдирди.

— Буюк мутафаккирнинг инсонпарварлик ғоялари, адолат ва эзгулик, тинчлик ва дўстлик, Вангага муҳаббатга чорлайдиган ижодий мероси япон халқи томонидан ҳам юқори қадрланади. Мазкур ёдгорлик икки буюк миллат маданияти ўртасидаги жонли мулоқотнинг рамзи бўлиб хизмат қилмоқда, — деди у.

Озарбайжон пойтахтида Ўзбекистон элчихонаси томонидан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорликда “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Анжуманда Озарбайжон Миллий фанлар академияси раёсати раҳбарияти, адабиётшунослар, мумтоз адабиёт илхосмандлари иштирок этди. Академия президенти Иса Габиббеили Ўзбек мумтоз адабиётининг буюк вакили Алишер Навоий меросини биргаликда ўрганиш, бу борада қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги ва аҳамияти ҳақида гапирди. У Бokuдаги мазкур халқаро илмий конференция муваффақиятли ўтгани билан барчани табрикледи.

Жанубий Кореяда ҳам ҳар йили 9 февраль — буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий таваллудини кенг нишонлаш аънавага айланган. Бу йил ҳам Ўзбекистоннинг Сеулдаги элчихонаси томонидан Алишер Навоий меросига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда мумтоз адабиётимиз намояндасининг адабий-илмий меросини халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимиз элчихонаси ташаббуси билан Сеул шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлиги ўрнатилгани, ушбу ҳайкалнинг очилиш маросими давлатимиз раҳбарининг Корея Республикасига давлат ташрифи арафасида ўтказилгани тарихий воқеа бўлгани қайд этилди.

— Алишер Навоий ижодига эътибор қаратар эканмиз, бобомиз ўз ижодида сўздан беқиёс ва гўзал фойдалангани, ижодий маҳорати гоят хайратланарли эканига амин бўламиз, — дейди Ханжук чет тиллари ва Хонам университетлари профессори Дилноза Калонова. — 2021 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофоти тасвир қилишни тақлиф этган эди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси саммит иштирокчилари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватлангани аллома бобомизнинг бой маънавий меросига нафақат юртимизда, балки

бутун дунёда эътибор катта эканлигидан далolat бериб турибди.

Мамлакатимизнинг **Польшада**ги элчихонаси томонидан Краков шаҳрида яшаётган ва таълим олаётган ватандошлар иштирокида Алишер Навоий ва Мирзо Бобур таваллуд саналарига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Буюк бобокалонларимизнинг бебаҳо илмий-ижодий мероси, жаҳон адабиёти тарихи, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожидеги алоҳида ўрни ҳақида сўзлаб берилди.

Улуг ижодкорлар асарларида юксак умуминсоний ғоялар тарғиб қилингани, ўзбек тилининг беқиёс сўз бойлиги, имкониятлари ўз ифодасини топгани қайд этилди.

Маънавий-маърифий тадбирда Алишер Навоий ва Мирзо Бобур газалларидан намуналар ўқилди.



Хўжанд давлат университетиде Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллигига бағишланган адабий-бадий кеча Ўзбекистон “Ватандошлар” жамоат фонди бошқаруви раиси Одижон Сатторов бошчилигидаги делегациянинг Тожикистонга сафари доирасида бўлиб ўтди.

Университет ректори, филология фанлари доктори Аюб Усмоновда буюк шоир, давлат арбоби, мутафаккир Алишер Навоий таваллуд санаси муносабати билан ўтказилган анжуман икки давлат раҳбарлари томонидан амалга оширилган беқиёс ишлар самараси ҳамда яратиб берилган имкониятлар натижаси экани таъкидланди.

— Хозирги кунда Хўжанд давлат университетида кўплаб ўзбекистонлик талабалар ҳам тахсил олмақда ва бу ҳам давлатларимиз раҳбарларининг савий-ҳаракатлари тўғрисида, — деди олий билим юрти ректори.

Ўзбекистоннинг **Бенилюкс** мамлакатларидаги элчихонаси томонидан Нидерландияда Алишер Навоий таваллудига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, ўзбек ва озар халқларининг азалий адабий-маданий алоқаларига бағишланган “Низомий Ганжавийдан Алишер Навоийга қадар” номли онлайн-анжуман муваффақиятли ташкил этилди. Унда Ўзбекистон, Нидерландия, Германия ҳамда озарбайжонлик адабиётшунос олимлар ва икки улуг аллома бадий меросининг муҳлислари катнашди. Ушбу мавзудаги навбатдаги тадбир 19 февраль кuni “Афсоналар юртига сабаҳат” мавзусида ўтказилиши қайд этилди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг **Ҳиндистон, Франция, Россия, Украина, Малайзия, Эрон, Хитой, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон** ва бошқа давлатлардаги элчихоналари, **Новосибирск, Владивосток, Екатеринбург, Қозон, Дубай, Шанхай, Франкфурт-Майн** шаҳарларидаги Бош консулхоналари томонидан ҳам буюк бобокалонимиз, шеърят мулкининг сўлатони Мир Алишер Навоий таваллудига бағишланган адабий-бадий тадбирлар, давра суҳбатлари ва илмий анжуманлар ўтказилмоқда.

«Дунё» АА.

Қулайлик

ҚИШЛОҚДА ДУАЛ ТАЪЛИМГА АСОСЛАНГАН МАРКАЗ

Наманган туманининг олис ҳудудларидан ҳисобланган “Олаҳамак” маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этилган марказ ишсиз фуқароларни замонавий касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш, шу асосда уларга доимий даромад келтирадиган меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашади.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик ҳамда Бандлик-қўмаклаштиш жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур марказда 17 та касб йўналиши бўйича ўқитиш тизими йўлга қўйилган.



Бунда фаолиятни дуал таълим тартибиде олиб боришга устувор аҳамият қаратилган бўлиб, назарий ва амалий сабоқ уйғунлиги таъминланади. Ўқувчилар уч ой давомида ўзлари танлаган касб бўйича етарли малакага эга бўлади. Ўқиш давомида ногиронлиги бўлган ёшларга баъзавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараварига тенг стипендия ҳам тўланади.

— Яқин атрофдаги тадбиркорлик субъектлари марказнинг ўзида 11 та лойиҳани хорижий этди, — дейди “Олаҳамак” МФЙ ҳожим ердამчиси Мухаммаджон Ҳайдаров. — Улар негизда барпо этилган ишлаб чиқариш қувватлари ҳисобига йилга 40,8 миллиард сўмликка яқин махсулот тайёрлаш мумкин. Хозирги пайтда бу ерда тахсил олаётган 682 нафар йигит-қиз бир пайтнинг ўзида мазкур корхоналарда амалий билимларини мустаҳкамлаб боради.

Айтиш жоизки, ушбу марказда тумандаги бошқа маҳаллалар ёшларини ҳам касб-ҳунар ўрганишга кенг жалб этиш кўзда тутилган. Тантанали равишда ўтказилган тақдират маросимида унинг имкониятлари ҳақида маълумот берилди.

Қудратилла **НАЖМИДИНОВ** («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қуйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади:

- **Мусиқа тарихи ва танқиди кафедраси:** профессор — 1 ўрин;
 - **Композиторлик ва чолғулаштириш кафедраси:** доцент — 1 ўрин;
 - **Халқ чолғуларида ижрочилик кафедраси:** доцент — 2 ўрин;
 - **Факультетларро фортепиано кафедраси:** доцент — 1 ўрин;
 - **Махсус фортепиано кафедраси:** катта ўқитувчи — 1 ўрин;
 - **Оркестр дирижёрлиги кафедраси:** катта ўқитувчи — 1 ўрин;
 - **Торли чолғулар кафедраси:** ўқитувчи — 1 ўрин.
- Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:**
- ректор номига ариза;
 - ходимлар шахсий варақаси;
 - олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
 - ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
 - мутахассислик бўйича охириги уч ўқув йилида малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ботир Зокиров кўчаси, 1-уй.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 241. 20 647 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЎМАЗЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИҒГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термидил ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20

Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5 6